

СЕН УНИ КЎРГАНМИСАН?

Йўқ, фақат китобда ўқигандирсан, Лекин кўрганмисан анор юзгини? Оху кўз деганин эшитгандирсан, Аммо кўрганмисан оху кўзгини? Агар кўрган бўлсанг, қани менга айт, Гўзаллигин сирини нимада экан? «Йўқ, йўқ таърифлашга ожнадири минг байт, Баҳор чиройи не, ундан ҳам кўркам».

Нега қилдинг уни баҳорга тақдос! Баҳор гўзаллигин қаерда сирин! Агар унинг ўзи, ишқи бўлмаса, Ахир бўлармиди баҳорнинг сеҳри!

Ҳаётга кўрк берган севги эмасин, Оламда нима бор ёрда гўзалроқ! Ерси, ахир севга ором берурин, Кўкларлар, чаманлар, яшмаган минг боғ!

Мен уни кўрганман гунафша фасли, Юзларида ёнган чоғида шафқат! Шаҳдо кўзларининг кўрганман аслин, Булоқ томчисидек тип-типпик, ўйноқ.

Боқсанг, кўзларини олиб қонади, Яшироқчи бўлар табассумини. У гўзал кўриқда ерлар оқиди, Ўша ерга боргил, изласанг уни. Пахтазорларга чиқ, ҳовлиларга кир, Бир чекнадан шиммай, чўчитмасдан боқ, Тоғни талқон қилган гўзал бўлса ҳам, Бир нафис феъдин бор,— бир оз тортинчоқ, Боқсанг, анор қаби қизарар юзи.

Гўзаллигин бутун унутгандек у, Шунда оху бўлиб кўринар кўзи, Шу ифбат эмасин, бахш этган севги.

Чўққида

Чўққидаман, ўлкам ҳуснига Мафтун бўлиб боқманг узоқ, Кўз ўнгидан ўтар бирма-бир Она шаҳар, гуллаган қишлоқ.

Ўйларини олиб кетди — Гул водилар, гўзал нақадар! Азия ўлкам, севга нисбатан Меҳрин юксак шу чўққи қадар!

Эргаш МАВЛОНОВ.

БУХОРОДАН КЕЛГАН „МУТАХАССИС“

Эрталабдан қўлдан чоп-чоп бошланг кетди: бироз йўлакларга сув сепган, бироз нафис гуллардан пуф-пуфлаб букет асатган, бироз ойна артиб, ховани тартибга солган. Ҳатто ҳеч қим қовоғини солмасин деб аллақим буйруқ ҳам бериб кетди.

— Тинчликми ёзи? — Бухородан катта мутахассис келатган эмис...

— Ташкентнинг ўзидан топилмабди-ми?

— Йўқ, унақаси Москвада ҳам йўқ эмис.

Кўриш министрлигидан қўйи-роқ устига қўйи-роқ бўлиб турибди: таёғарлиқнинг бориши, кутувчиларнинг умумий ва ҳусусий кайфияти, эски бухгалтер ўзини қандай тутатганини — ана шуларнинг ҳаммаси суриштирилмоқда. Ниҳоят... хайриятки, ана шу ниҳоят бор, бўлмаса кутувчиларнинг юрати пақ-қиллаб ёрилиб кетган бўларди...

Ниҳоят соат 2-00 да комбинат дарвозаси ланг очилиб, оstonада катта мутахассис Мойша Мордкович Гурфинкель кўриди.

— Марҳаб!


— Қадамларига ҳасанот! — деган йўғон, ингичка овозлар ингради ва шу ерининг ўзидан фармони олий ўқиди: «Буйруқ № 120-а. Бош бухгалтер А. И. Манжуров ўз вазифасидан бўшатилсин. Ўйла харажатларини тўлаш шартин билан М. М. Гурфинкель бош бухгалтер этиб тайинлансин ва банка чекларига имзоси тасдиқлансин. Асос — трестнинг 50/9-номери хати!»

Тантаналироқ кети тугамасдан қўлчиларнинг халфасали пир бўлди. Бишлар қанд деб кесак тишлаб олган ёш боланинг аҳволига тўғиб қолдилар: катта мутахассис деб кўтганлар 7-синф маълумоти бўлган, қурилишнинг кўчасидан ҳам ўтмаган Бухородаги Ситира ва Моки-Хоса дам олиш уйида қорин силбаб ётган азаматлардан бири экан. Бу киши саз кун ўтмай турли қилиқлар чиқара бошлади. Бухорода истиқомат қилиб турган бола-чақасига кўчиб келди деб ҳеч қандай хужжатсиз, ўзи баланд ҳисоботи ёзиб ва ўзи имзо чекиб давлатнинг талайгина пулини чўнтакка урди.

— Ия, Мойша Мордкович... — дея қочирим қилди эски бухгалтер.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 14 АПРЕЛЬ, 1962 ЙИЛ.



Жуда қизиқ китоб экан...

А. Абалля фототюди.

Диплом спектакллари

Тошкент маданий-оқартув техникуми II-маҳсус театр гуруҳининг студентлари ўқитувчи-режиссёр Ҳасан Йўлдошев раҳбарлигида қизгин ишлар олиб бормоқдалар. Шу кунларда бу коллектив ёзувчи Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романини ҳамда буюк француз драматурги Жон Батис Мольернинг «Зураки та-

биб» комедиясини сахналаштирмоқда. Бош ролларни студентлардан М. Арзиев, М. Тиловхонов, Д. Абдулломова, А. Каримов, И. Аббосовлар ижро этадилар.

Бу икки асар студентларнинг диплом иши спектакллари бўлади.

З. МУСАЕВ.

Тошкент янгиликлари

ВИСТАВКА УЧУН ЯНГИ ЭКСПОНАТЛАР

Шу кунларда Ўзбекистон пойтахтининг корхоналари бу йил Бутуниттифоқ халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасида намойиш қилинаётган янги экспонатларни Москвага жўнатиш учун тайёрламоқдалар. «Ўзбексельмаш» заводи виставкага модернизация қилинган СТХ-4 селлясини, экскаватор заводи модернизация қилинган экскаваторни юборди. Тўқимачилик комбинати ўн газмолларнинг қирқта янги нусхасини виставканинг енгил саноат павильонига жўнатди. Яқин кунлар ичиди чинки заводи, кўн-салатерия фабрикаси ва бошқа корхоналар ҳам ўз маҳсулотларини виставкага юбордилар.

Виставкага ҳаммаси бўлиб пойтахтимиз 25 та корхонасининг экспонатлари қўйилди.

М. МАҲМУДОВА.

Практика яхши ўтди

Тошкент Давлат педагогика институтининг география бўлимининг IV ва V курс студентлари шаҳардаги 22 ва 24-мактабларда беш ойда педагогика практикаси ўтказдилар. Бу йилги практика аввало «Пайдаланган» бошқача бўлиб, Истиқлол кафедраси мактаблар билан доимий алоқа бўлди. Бунинг натижасида истиқлол бир томондан, ўзи енгилтирётган кадрларнинг йамуғали даражаси беришга йўналди, иккинчидан, мактаблардаги янги ўқитувчи методларнинг фойдаланиш томонларини ўрганди.

Практикалар бир ҳафта даражаси кўтаришга сўғ мустақил ўқита бошладилар. Студентлардан М. Раҳимов, А. Исмомов, К. Қурбонов, И. Нишонов, Ё. Абдуллаевлар даражаси юқори савияда, кўргазмалар кўрсатганда устали билан фойдаланган ҳолда олиб бориладилар. Улар ўқувчиларга билим бериш билан бирга синфдан ташқари ишларини ҳам олиб бориладилар. Ўқувчилар практикалар бошчилигида Тошкентнинг бош архитектори ҳу. зурига, чини заводи, «Назарбек» соҳмончи парник ҳўжалиги, астрономия обсерваторияга уюштирилган экскурсиядан кўн нарсаси ўрганилар, мактаб учун бош қолдеклар олиб қайтдилар. Практика давомида даражада ахиллиги ва кўнақона кенг фойдаланилди.

ВОРВОЦЛАРГА МАСЛАҲАТ

Тоқлар қўлинича кул тушини сабабни қасаланиб, анчагина ҳосил нобуд бўлади. Бу қасаллик тоқ новдаларининг ҳаддан ташқари қалинлашиб кетиб, қўшдан, ҳаводан етарли равишда баҳра олмаслиги натижасида келиб чиқади. Шундай экан тоқ новдаларини тараш вақтида уларнинг қўшдан яхши фойдаланишини кўзда тутиш керак. Новдаларнинг ҳаддан ташқари қалинлашиб кетишига йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун ҳомтоқ вақтида ҳосил бермайдиган ишларини олиб ташлаш зарур, ҳомтоқни гуллашдан олдин, сўғра гуллаганидан кейин бутун ёзда давомида аста-секин ўтказиб бориш мумкин.

Май ойида, шунингдек бутун ёзда давомида тоқларни ортқича сўғориб, тупроқни намлаб юборишга йўл қўймаслик керак. Шунинг учун тоқларга ўз вақтида эгиз бўйлаб сув қўйиш тавсия қилинади, сўғорганда

ҚИЛИН КЕРАК

Тошкент область Янгийўл районидида «Коммунизм» қолхозидан Азлам Умаров, Октябрь районидан Абдулла Нормазов, Тоир Гуломов ўртоқлар редакцияга хат ёзиб тоқларга тушадиган раға (кул) қасаллигига қарши қандай курашини тўғрисида сўраганлар. Қуйида биз уларнинг ялтиносларига мувофиқ мутахассис маслаҳатини босилимиз.

нам тушқоқнинг туқур қатламларида етиб-боринини кўзда тутиш лозим. Ҳар бир сўғорилган кейин тушқоқ-етилиш билан тоқ атрофларини юмшатиш керак.

Юқоридаги тадбирларга қўшимча равишда тоқларга олтингурут пурнаш ҳам керак. Бу иш қуйидаги муддатларда ўтказилади: биринчи

МАҲСУЛОТ СИФАТЛИ БЎЛСИН

Ўзбекистон Халқ ҳўжалик кенгашининг енгил саноат бошқаруши қарашли корхоналар республикамиз меҳнатчиларининг кенг истеъмол бўшмалари — кийим-кечаклар, мебель ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Лекин айрим корхоналарда сон орақсидан қувиб, сифатга етарли эътибор берилмаётган, кўпинча брак маҳсулот тайёрланмоқда.

Шунинг учун ҳам енгил саноат ходимларининг яқинда бўлиб ўтган республика кенгашида бу масалага алоҳида эътибор берилди. Кенгашда доклад қилган бошқарма бошлиғи Н. Ларчик ва музокараларда қатнашган нотифлар асосан шу ҳақда гапирдилар.

Кенгашда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани учун Янгийўлдаги пойафзал фабрикасининг раҳбарлари қаттиқ танқид қилинди. Бу фабрикада маҳсулотнинг сифат даражаси пландаги 79,6 процент ўрнига 76,3 процентни ташкил этган. Худди шундай аҳ-

вол Тошкентдаги 2- ва 4-мебель фабрикаларида ҳам содир бўлмоқда. Кенгаш қатнашчилари ана шу фабрикаларнинг директорлари Войлошников ва Каримов ўртоқлардан маҳсулот сифатини яхшилаш учун тегишли чоралар кўришини талаб этидилар.

Чирчиқ пойафзал фабрикасининг бош инженери Школовский, Тошкентдаги кўн комбинати коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Мирмаҳсудов ўртоқлар корхоналарда давлат планларини тўла бажариш ва маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан ўз қоллективлари олиб бораётган кураш ҳақида гапирдилар. Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси партия ташкилотининг секретари ўр. тоқ Кожевников ва бошқа нотифлар корхоналарда ишлаб чиқаришини планлаштиришда катта камчиликларга йўл қўйлаётганини кўрсатиб, бу ҳол маҳсулот сифатини яхшилашга салбий таъсир этаётганлигини кўрсатди.

ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ

Бундан олти ой муқаддам Тошкент телевидение студиясида драматик студия ташкил этилган эди. Бу студияга турли касб эгалари, маданият уйларининг ҳаваскорлари қабул қилинган. Студиянинг ташкил қилишдан мақсад—телевизор орқали кўрсатиладиган адабий, драматик эшиттиришлар ва инсценировкаларни тайёрлаш учун санъатчилар тарбиялашдан иборат эди.

Яқинда ҳаваскорлар синов имтиҳонларидан ўтказилди. Бунда меҳнат илғорлари, софдил, меҳнатсевар кишилар ҳақида ва бошқа замонавий те-

маларда этюдлар ижро этилди. Студентлар орасида «Хат» этюдин ижро этган М. Расулов ва Қ. Миртазов, «Қайтиш» этюдини кўрсатган ўқитувчи Г. Каримова, тўқимачилик комбинатининг ишчиси М. Қориев ва 2-пиво заводи ишчиси Ф. Шобобоев ўртоқлар маҳоратини алоҳида таъкидлаш керак. Телевизиянинг бош режиссёри Е. Шермухамедов этюдлардан ютуқ камчиликларини кўрсатиш билан бирга халқ талантларининг актёрлик санъати ўсиб бораётганлигини қайд қилди.

Ф. АБДУРАҲМОНОВ.

БИЛДИРИШ

Шу йил 16 апрелда Дзержинский номи маданият ўлкаси (Ленинград кўчаси, 28 уй) Тошкент шаҳар ишчи мухбирларнинг «Правда» газетасининг 80 йиллигига бағишланган сайти бўлади.

Сайт кеч соат 5 да очилади. Тошкент шаҳар партия комитети Журналистлар союзини шаҳар бўлимининг бюроси.

Телевизор

14 АПРЕЛЬ

Рус тилида: 18.00 — Мультипликацион фильм (болалар учун).

Ўзбек тилида: 18.15 — Қўлайини ва рақсга тушамиз.

Рус тилида: 18.55 — Чет ва кинохроника, 19.05 — Телевизион янгиликлар, 19.15 — Дзержинский номи маданият уйларида давлаткорларнинг концерти, 20.00 — Таманго (баллий фильм. Африка отодлик кўни муносабати билан).

Ўзбек тилида: 21.35 — Телевизион янгиликлар, 21.45 — Қўшиқ ёзувчи шоирлар қилидан эшиттириш.

Театр

НАВОЙИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/IV да Травната, 15/IV да Дилором.

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/IV да Номус, 15/IV да Хўжайин.

МУЗКИМИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/IV да Топилта ошн, 15/IV да эрталаб Олтин қилдиручилар, кечкуни Уч баҳор.

Ўзбек давлат филармонияси (Эстрада театри биносида) — 15/IV да кундуз соат 1 яримда Ўзбек тилида мактаб музика лекториясининг 7—11-синф ўқувчилари учун охири «Эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт» бўлади. Концертда СССР халқ артистлари Тамара Хонина ва Саодат Қўболова иштирок этадилар.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги аттракцион «Хавфли рейс» чиқарди. Кинофильмнинг қаҳрамони РСФСРда хизмат кўрсатган артист Маргарита Назарова ва фильмнинг режиссёр-постановшичи Константин Константиновский иштирокида Яншаба кўни уч марта томоша қўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда.

Кино

Граждан кийимидаги солдатлар — «ВАТАН» (кундуз ва кечкуни), «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (эрталаб соат 9 ярим, 11, кундуз 4 ярим ва кеч 8 да).

Энг биринчилар — «МИР», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкуни).

Алдинбинг ўзи: майдан — НАВОЙИ номи (эрталаб соат 10, 11-40 минут кеч 5 ва 8 яримда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Севги ва иккинчи учувчи — НАВОЙИ номи (кундуз соат 1 ярим, 3-20 минут, кеч 6-50 минут ва 10-10 минутда), «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз 1, 3, кеч 6 ва 10 да), «СПУТНИК» (юфт соатларда), «ИСКРА» (кундуз ва кечкуни).

Сепсиз қиз — «МИР» (кеч соат 6 да).

Омонат кассаларга ютуқли омонатлар қўйинг! ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР 39-ЮТУҚЛИ ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1962 йил 5 апрелда Тошкент област. Сирдарё посёлкасида бўлиб ўтди. Тошкент областининг ҳамма омонат кассаларидаги ютуқли омонат сўчларининг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Сўч номерлари	Ютуқ миқдори (омонатнинг уртача суммасига процент билан)	Сўч номерлари	Ютуқ миқдори (омонатнинг уртача суммасига процент билан)
3	25	399	25
70	25	423	25
105	25	478	25
130	25	512	25
184	100	523	50
212	100	566	25
278	25	633	25
295	25	644	25
333	25	692	25

Сўчларнинг сонини 1000 дан ошган омонат кассаларида биринчи мингга қайси сўч номерлари ютган бўлса, қолган мингларда ҳам шу номерлар ютгандир, яъни: сўч № 1003, 2003, 3003, 1070, 2070, 3070, 1105, 2105, 3105 ва ҳоказо.

Тираж комиссиясининг раиси — Сирдарё район ижроия комитети раисининг ўринбосари

М. САЛОМОВА, Комиссиянинг маслул секретари

А. КИСЛОВ.

«Узэлектромонтаж» трестининг Олмалик бошқармасига Олмалик ва Ангрен шаҳарлари, да ишлаш учун электромонтаж ишларига доир проёраблар ва мастерлар

КЕРАК

Мурожат учун адрес: Тошкент област, Олмалик шаҳар, телефон 2-62 («Алмаликэлектрострой» трестининг коммутори орқали).

Мамон Уйғур кўчаси, 5-улица, 11-уйда турувчи Тухташова Алинона Шарипова (Солыхова)нинг Октепа кўча, 19-уй, 12-квартирада турувчи Шовкат Фотихович Шариповдан ажралтиш ҳақидаги иш Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида қўрилади.

Бизнинг адрес

Тошкент, Пискарев Восток кўчаси, 26-уй.

Ш. АЙРАПЕТАНЦ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана областного и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиш бўлими — 28761. Қишлоқ ҳўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлими — 33786. Секретариат — 34808, 31936. Хатлар бўлими — 34045. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиа бўлими — 25383. Эшонлар бўлими — 28142. Коммуторат — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашрийтегини босмақонаси.

Р. 02197, Нашр. Г. — 1570.